

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ХИЗМАТ ЎТАШИННИНГ ҚАДИМГИ ДАВРИ

*А.М.Кыдырбаева*

*Қорақалпоғистон Республикаси Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университети мустақил  
изланувчиси*

**Аннотация:** Мазкур мақолада хотин-қизларнинг ички ишлар органларида хизмат ўташининг тарихий-ҳуқуқий асослари комплекс тарзда тадқиқ этилган. Қадимги давр (Бактрия, Сугдиёна, Хоразм), Темурийлар, хонликлар ва Чор Россияси даврларидаги ҳуқуқ-тартибот тизимлари кетма-кетликда таҳлил қилинган. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини тарихан шаклланган анъаналар, меъёрий-ҳуқуқий база ва замонавий ислоҳотлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш илмий-амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

**Калит сўзлар:** ички ишлар органлари; хотин-қизлар; тарихий-ҳуқуқий асослар; давлат хизмати; аёлларнинг ижтимоий мавқеи; Ўзбекистон тарихи; Темурийлар; меритократия; жамоат тартиботи.

Ҳар қандай ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисани чуқур таҳлили учун унинг тарихий илдизларини ўрганиш, унинг босиб ўтган йўллари таҳлил қилиш ва ривожланиш босқичларини аниқлаш зарурдир. Тарихий жараёнларни билмасдан туриб, айна замондаги муаммоларни тўғри баҳолаш ва самарали ечимлар ишлаб чиқиш қийин кечади.

Ҳозирги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг улкан имкониятлари яратилиб, шиддатли ислоҳотлар давом этмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари энг юксак қадрият сифатида тан олинадиган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришдир. Бу жиҳатдан Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган мурожааномасидаги «Янги Ўзбекистонни буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган, меҳнаткаш, азму шижоатли, адолатни қадрлайдиган халқимиз билан биргаликда барпо этамиз» деган сўзлари бугунги давр талабини акс эттиради[1].

Юртимизда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ислоҳотлар халқнинг тарихан шаклланган анъаналари, урф-одатлари ва маънавий қадриятларини ҳисобга олган ҳолда жорий этилмоқда. Шу боис аёлларнинг турли давлат хизматларида, хусусан ички ишлар органларида хизмат қилишининг тарихий илдизларини ўрганиш ва бу жараённинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Инсон ҳуқуқлари бўйича таниқли олим Р.Дворкиннинг таъкидлашича, «ҳуқуқларни жиддий қабул қилиш жамиятнинг ҳар бир аъзосини тенг эътироф этиш ва ҳурмат қилишни тақозо этади»[2]. Бу тамойил аёлларнинг давлат хизматида тенг иштирок этиш ҳуқуқига бевосита тааллуқлидир.



Ўзбек халқи минг йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган қадимий халқдир. Профессор М.Т.Турғуновнинг фикрича, «Ўрта Осиё ҳудудида давлатчилик ва ҳуқуқ тизими милоддан аввалги мингйилликларда пайдо бўлган»[3]. Қ.Б.Қодиров ҳам «ички ишлар органларининг замонавий тузилмаси минтақамизда жамоат тартиботини сақлаш бўйича қадимдан мавжуд бўлган институтларнинг давоми эканлигини» қайд этади[4].

Ўрта Осиёда илк давлатчилик уюшмалари уруғ-қабилла муносабатларининг шаклланиши даврида юзага келган. Қадимги Бақтрия, Суғдиёна ва Хоразм ҳудудларида ижтимоий муаммоларни ҳал этиш уруғ-жамоа зиммасига ўзига хос вазифалар юклаган. Е.В.Ртвеладзе «Ўрта Осиёнинг қадимги давлатларида ижтимоий тартибни сақлаш механизмлари нафақат ҳарбий кучга, балки диний-маросимий институтлар, оқсоқоллар кенгаши ва жамоа назорати каби ижтимоий тизимларга ҳам таянганлигини кўрсатиб берган» дейди[7].

Ҳуқуқ-тартибот нормаларининг илк шакллари зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби Авесто билан боғлиқ. Б.А.Матлюбовнинг қайд этишича, «ушбу нормалар милоддан аввалги 2-минг йиллик охири – 1-минг йиллик бошларида юртимиз ҳудудида шаклланган»[8]. А.А.Асқаров «Авесто нафақат диний матн, балки жамиятнинг ижтимоий ташкилланишини тартибга солувчи, ҳуқуқий тафаккурнинг илк кўринишларини ўзида акс эттирган ноёб ҳуқуқий ёдгорликдир» деб таъкидлайди[10].

Тарихий тадқиқотларда Марказий Осиёда давлатчиликнинг илк босқичларида бевосита замонавий маънодаги ички ишлар органларига ўхшаш тузилма қайд этилмайди, бироқ ижтимоий тартибни сақлаш функцияси турли ижтимоий институтлар орқали амалга оширилган. Тарихчи олим Қ.Б.Қодировнинг таъкидлашича, турли даврларда жамоат тартибни сақлаш хизмати вакиллари соқчи, чоқар, кутвол, шиғовул, қоровул, кўриқчи, шихна, сарбоз, миршаб, шабгард, посбон каби номларда юритилган[4].

Қадимги даврда аёллар бевосита ҳуқуқ-тартибот хизматида қатнашмаган бўлсалар-да, уларнинг ижтимоий мавқеи нисбатан юқори бўлган. Р.Н.Фрайнинг фикрича, «Суғдиёна ва Хоразмда аёллар иқтисодий фаолиятда фаол иштирок этган ва муайян ҳуқуқларга эга бўлганлар». Суғд ёзма ёдгорликларида аёлларнинг мулк сотиш, олиш ва мерос қолдириш ишларида мустақил иштирок этганликлари қайд этилган бўлиб, бу уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муомала лаёқатига эга бўлганлигидан далолат беради.

Ҳ.Бобоевнинг фикрича, «Авестода аёл нафақат оила бошлиғи, балки жамиятда адолатни қарор топтиришда эркақлар билан тенг мақомга эга бўлган, бу эса минтақамизда аёлларнинг жамоат тартибни сақлашдаги иштироки учун илк маънавий-ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилган»[14]. Демак, тўғридан-тўғри ҳуқуқ-тартибот хизмати мавжуд бўлмаса-да, аёлларнинг жамият тартибни сақлашдаги фаол иштироки учун маълум тарихий ва маънавий асослар шаклланган.

Ўзбек давлатчилигининг тарихида Темурийлар даври алоҳида ўрин тутаяди. Бу даврда давлат бошқаруви тизими, ҳарбий ташкилот ва маъмурий аппарат юқори даражада такомиллашган эди. З.А.Раҳимовнинг таъкидлашича, «Амир Темур даврида марказлашган давлат бошқаруви тизими барпо этилиб, қонун-қоидаларга асосланган хизмат тартиби жорий қилинган»[16]. Б.Аҳмедов ҳам «Темурийлар даврида хизмат иерархияси, вазифавий бурчлар, жавобгарлик тизими ва давлат манфаатларига садоқат алоҳида кадрланганлигини» қайд этади[17].

Тарихий манбаларга кўра, шаҳар ва вилоятларда тартиботни сақлаш бўйича «даруғалар», «шихналар», «котваллар» каби махсус мансабдор шахслар тайинланган бўлиб, улар жамоат тартибни сақлаш, қонунбузарликларни олдини олиш ва жазолаш масалалари билан шуғулланганлар. Б.Матлюбовнинг таъкидлашича, «бу тузилма замонавий маънодаги ички ишлар органларининг прототиби бўлган». Амир Темур томонидан тузилган «Тузуқлар» давлат бошқаруви ва қонун-тартибот масаласида муҳим ҳужжат вазифасини бажарган.

Темурийлар даврида аёллар ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам муҳим рол ўйнашган. Тарихдан маълумки, Бибихоним, Гавҳаршодбегим, Сароймулкхоним, Зубайда бегим каби аёллар давлат бошқарувида ва маданий-маърифий ишларда муҳим ўрин тутганлар. С.А.Азимжоновнинг



таъкидлашича, «Гавҳаршодбегим Ҳирот шаҳрини бошқаришда фаол иштирок этган, қурилиш ишларини назорат қилган ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда катта рол ўйнаган»[21].

Л.Ю.Манковская ҳам «Темурийлар даврида аёллар вақф мулкларини бошқариш, ижтимоий ишларни ташкил этиш ва маълум даражада тартиботни сақлаш масалаларида иштирок этганликларини» таъкидлайди[25]. Уларнинг нафақат оила доирасида, балки сиёсий иттифоқларни шакллантириш, тахт вориси масаласини ҳал этиш ва провинцияларни бошқаришда фаол иштирок этганликларини далиллар асосида кўрсатиб берган.

Фикримизча, Темурийлар даврида аёлларнинг давлат бошқаруви ва ижтимоий назоратдаги иштироки кейинги асрларда аёлларнинг давлат хизматида, шу жумладан ички ишлар тизимида фаолият юритишининг тарихий асосини яратган. Бу даврда ишлаб чиқилган хизмат интизоми, жавобгарлик тизими ва меритократия тамойиллари замонавий ички ишлар органлари учун муҳим тарихий мерос ҳисобланади.

Ўрта Осиё ҳудудида Бухоро хонлиги (XVI–XX аср бошлари), Хива хонлиги (XVI–XX аср бошлари) ва Қўқон хонлиги (XVIII–XIX асрлар) вужудга келган бўлиб, ушбу хонликларда ҳам ҳуқуқ-тартибот тизими муайян шаклда давом этган. М.А.Абдурайимовнинг таъкидлашича, Бухоро хонлигида жамоат тартибини сақлаш вазифаси миршаблар, кўрбошилар ва қозикалонлар зиммасига юклатилган бўлиб, улар шаҳар ва маҳаллаларда тунги қоровулик, низоларни ҳал этиш ва жинойтчиларни тутиш ишларини бажарганлар[26].

Хива хонлигида ижтимоий тартибни сақлаш тизими Бухорога ўхшаш тузилган бўлсада, маҳаллий хусусиятларга эга эди. Р.Н.Набиевнинг қайд этишича, «Хива хонлигида ясовуллар ва кўрбошилар тартибот сақлаш функциясини бажарганлар»[27]. Қўқон хонлигида эса «миршаблар ва кўрбошилар институти анча ривожланган бўлиб, улар нафақат шаҳар тартиботини, балки савдо йўллари хавфсизлигини ҳам таъминлашган».

Хонликлар даврида аёлларнинг ижтимоий мавқеи Темурийлар даврига нисбатан торайган. Шариат нормаларининг кучайиши натижасида аёлларнинг жамият ҳаётидаги иштироки чекланган. Бироқ, бу чекланиш мутлақ бўлмаган: аёллар оила доирасида, маҳалла масалаларида ва вақф муассасалари фаолиятида муайян даражада таъсир кўрсатишни давом эттирганлар. Назаримизда, хонликлар даври аёлларнинг ижтимоий мавқеидаги бир қадар чекланиш босқичини ифодаласа-да, уларнинг оилавий ва жамоа даражасидаги иштироки тўлиқ узилмаган.

Ўтказилган тарихий-ҳуқуқий таҳлил шуни кўрсатадики, хотин-қизларнинг ички ишлар органларида хизмат ўташи тасодифий ҳодиса эмас — бунинг чуқур тарихий илдизлари мавжуд. Қадимги даврдан бошлаб Темурийлар ва хонликлар оша аёллар жамоат ҳаётида муҳим рол ўйнаб келган.

Бевосита ҳуқуқ-тартибот хизмати мавжуд бўлмаган даврларда ҳам аёллар ижтимоий низоларни ҳал этишда, маъмурий бошқарувда ва вақф муассасаларини идора этишда фаол иштирок этган. Темурийлар даврида ишлаб чиқилган хизмат интизоми, жавобгарлик тизими ва меритократия тамойиллари замонавий ички ишлар органлари учун муҳим тарихий мерос ҳисобланади.

Мазкур тарихий мерос ва ҳозирги ислоҳотлар ўртасидаги узвийлик Янги Ўзбекистонда аёлларнинг давлат хизматида тенг иштирок этиши учун мустаҳкам негиз яратади. Р.Дворкин таъкидлаганидек, ҳуқуқларни жиддий қабул қилиш жамиятнинг ҳар бир аъзосини — шу жумладан хотин-қизларни ҳам — тенг эътироф этишни тақозо этади. Бу принцип бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмунига мос келади.



**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга мурожаатнома. – Тошкент, 2022.
2. Dworkin R. Taking Rights Seriously. – Cambridge: Harvard University Press, 1977. – 371 p.
3. Турғунов М.Т. Ўрта Осиёда давлатчилик ва ҳуқуқ тизимининг тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 245 б.
4. Қодиров Қ.Б. Ички ишлар органларининг тарихий ривожланиши. – Тошкент: Академия, 2015. – 312 б.
5. Сағдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё: тарих ва маданият. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 328 б.
6. Griffin K. Central Asian Studies: Historical perspectives. – Oxford: Oxford University Press, 1999. – 280 p.
7. Rtveldze E.V. Civilizations, States and Cultures of Central Asia. – Tashkent: ICAS, 2005. – 354 p.
8. Матлюбов Б.А. Авесто ва ҳуқуқий тафаккур. – Тошкент: Фан, 2005. – 198 б.
9. Эрметов А.А. Авесто ва ижтимоий тартиб // Ўзбекистон тарихи. – 2018. – №3. – Б. 45–58.
10. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 415 б.
11. Jones S. Central Asian Legal Traditions. – London: Routledge, 2002. – 190 p.
12. Фрай Р.Н. Буюк Эрон мероси / Тарж. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 340 б.
13. Исломов З.М. Шарқ давлатчилиги тарихида аёллар // Ҳуқуқ. – 2020. – №2. – Б. 34–47.
14. Бобоев Ҳ. Авестода аёл образи. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 165 б.
15. Фахретдинова Д.А. Бақтрия ва Марғиёна: аёллар мавқеи. – Тошкент: Фан, 2012. – 220 б.
16. Раҳимов З.А. Амир Темур давлат бошқаруви тизими. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 285 б.
17. Аҳмедов Б. Темурийлар тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 312 б.
18. Матлюбов Б.В. Темурийлар давридаги бошқарув тузилмалари. – Тошкент: Фан, 2001. – 260 б.
19. Амир Темур. Тузуклар / Тарж. ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Кароматов. – Тошкент: Шарқ, 1996. – 224 б.
20. Қарабоев Қ., Қандов Б. Темурийлар давлат бошқаруви. – Тошкент: Университет, 2005. – 320 б.
21. Азимжонова С.А. Темурийлар давридаги машҳур аёллар. – Тошкент: Фан, 1991. – 180 б.
22. Grosse R. Women in Timurid Court // Iranian Studies. – 2003. – Vol. 36. – No. 4. – P. 545–562.
23. Manz B.F. Power, Politics and Religion in Timurid Iran. – Cambridge: Cambridge University Press, 2007. – 336 p.
24. Муҳаммаджонов А. Темурийлар давлатида ижтимоий тартиб. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 194 б.
25. Манковская Л.Ю. Вақф ва аёллар // Ўзбекистон санъати. – 1999. – №1. – Б. 22–38.
26. Абдурайимов М.А. Бухоро хонлигида давлат тизими. – Тошкент: Фан, 1966. – 330 б.
27. Набиев Р.Н. Хива хонлиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1970. – 280 б.
28. Beisembiev T.K. Kokandskoe khanstvo: vlast, politika, religiya. – Tokyo: TIAS, 2006. – 468 s.

